Наврўз яқин



*Қишнинг ҳам ўз зийнати, ўз таровати бор, дейишади. Гард юқмаган оппоқ қор, тарновларда ялтираб турган шаффоф муз сумалаклари, сандалда бозиллаганча аввал оёққа, кейин эса тананинг етмиш икки минг томирига роҳат бағишловчи мевали дарахту ғўзапоя чўғига нима етсин!*

*Бироқ... Увиллаган шамоллар, оёққа илашган лой, юзни чимчилаган совуқ аста-секин жонга тегади. Кўнгилга илиқ-иссиқ кунларга интиқлик, кўзларда эса яшилликка соғинч, деб аташ мумкин бўлган ҳислар "лип-лип" эта бошлайди.*

# Қўйнида бойчечак олиб юрган одамлар

Публицистика

... Ўтган куни Ховосда Акрам подачини учратиб қолдим. Уёқ-буёқдан анча гурунг қилдик. Хайр-хўш чоғи у сарғиш кийгиз чакмонининг қўйнидан бир тутам сўлинқираган бойчечак чиқариб димоғимга тутди. Гулдан ҳеч бир гиёҳда учрамайдиган нимтатир бўй таралади. Уни қорнинг ҳиди деса ҳам, ернинг ҳиди деса ҳам бўлаверарди. Тузуккина ялинтиргач, қўлимга икки дона чечак узатди. "Бўлди, ялинма, қолганини бермайман. Янгиердаги касалхонада Абдусамат жўрам ётибди. Тунов куни невара-сидан "Акрамга бориб айтинглар, қуёш ҳам бинойидек ялтиллаб қолди. Тоғтошда бойчечак кўринган бўлса, менга бериб юборсин..." дебди. Атай шу гулни унга ҳидлатаман, дея қишлоқдан шаҳарга эниб эдим. Бу жўрам тушмагур жуда қизиқ одам-да! Буни қарангки, у бойчечак ҳидига тўйсам, ўрнимдан туриб кетаман, деб хаёл қилаяпти. Менам шу жўрам соғайиб кетсин, яна қишлоққа қайтиб, болаларга мактабда дарс берсин, деган кўнгилда подани ўғлимга ташлаб тонгда йўлга чиқиб эдим..."

Ховос билан Янгиер ўртасида бўзчининг мокисидек қатнаб турадиган автобусга йўртиб кетаётган Акрам подачи мисоли девни эслатади. Унинг қадди-қоматига бошқача таъриф умуман тўғри келмайди. Қўллари, бармоқлари паншахами дейсиз. Яқин-яқингача шу одам улоқ чопиб ўтди. Чакмонининг бир бари ер супуриб, бир бари эса белбоғига қистирилган. Амакининг қўлида тандирда сингиб пишган иккита патир, елим халтасида эса туймоч гўшт бор. Энди биз бир қизиқ ҳолатга диққат қилайлик. Акрам подачининг ўнг қўлида пода қайтарадиган ирғай таёқ. Ажаб, бу таёқни қишлоққа ташлаб келса нима қиларди? Ҳалпиллаган қўйнида эса бир тутам бойчечак. Ўшанда мана шу манзарани тасвирлаб ўзимча бир маъни чиқаришга кўп ҳаракат қилдим.

... Тоғ-тошга, дашт-қирга, гул-гиёҳга, ирим-сиримларга кўнгил қўйган одамларни кўрганимда ҳар гал раҳматли онам эсимга тушади. Унинг қўни-қўшниларга кинна солиши, дуо ўқиши, чироқ ёқиши кўз олдимга келаверади. Онам сумалак пиширишга уста аёл эди. Ерўчоқ қазиётган отамнинг ёнида куйманиб юрганича Наврўзу олам ҳақида, янги йил тўғрисида гапириб берарди. Биз эса Наврўз нима деганлари эканлигини сира-сира ақлимизга сиғдиролмасдик. Билганимиз — у хўп яхши кун. Наврўз деганлари сиқим-сиқим попукли қандлару сиқим-сиқим туршаклар эди.

Сумалак пишириш шодиёнага айланиб кетади. Кун ботиб, тун бошланганда қозон атрофидаги аёллар қўшиқ айтишади. Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Қишлоғимизда яшовчи Турсуной исмли келинчак бир неча йилдан буён тирноққа зор эди. Аёллар уни тупроқ ташланган, бироқ ҳамон тафтига узатилган қўл куядиган чўғнинг яқинига ўтқазиб ўтга тоблаб турдилар. Юз-кўзига эски чопон ёпилган аёл терга ботиб кетди. Қарангки, бир йил ўтгач у попукдек қиз туғди. Бугунги кунда унинг саккиз нафар фарзанди бор. Ўтнинг хосияти, сумалакнинг шарофати шу бўлса керак-да...

Ёшимизга ёш қўшилиб, мактабга бордик. Ана шунда ўз кўзимиз билан элнинг бу улуғ байрами бошига не кунлар келганига гувоҳ бўлдик. Қизил мафкура малайлари уйма-уй юриб қайнаётган сумалак ва ҳалимларга сиқим-сиқим қум ташладилар. Аёлларнинг "дод-вой"ига қарамай, қозонларга ҳовуч-ҳовуч туз ташладилар. Ҳатто кўк сомсаю кўк чучварани эскилик сарқити дея эълон қилдилар. Дала-даштда ўтадиган сайиллар бекор қилинди. Одамларнинг бўйнидан туморлар узиб олинди. Наврўз сўзи тиллардан тортиб олинди.

Аммо бу байрам, бу сўз юракларда яшайверди. У ёруғ кунларни интизор кутди. У адашмади. У чучмома бўлиб, у жағ-жағ бўлиб, у момоқаймоқ бўлиб яна қуёш юзини кўрди. Қозонларда сумалаклар қайнай бошлади. Тандирларда тўлиб-тўлиб кўк сомсалар ёпилди.

Наврўз чиндан-да бойчечак эди. Наврўз чиндан-да бинафша эди. Қуёшга талпинган гулнинг юзига тупроқ ташлаган билан у ўсишдан тўхтармиди? Наврўз кўклам ёмғири эди. "Ёғма" деган билан у ёғишдан тинармиди? Наврўз севган, севилган кўнгил эди. "Севма" деган билан севган кўнгил севишдан ўзини тиярмиди? Наврўз ўрик шохларидаги куртак эди. У атиргул ғунчаси эди. Ариқларда югуриклаган жилға эди. Жилғалар қўшилиб-қўшилиб дарё бўлди. Куртаклар бўртиб-бўртиб гул бўлди. Бинафшалар қиқирлаб-қиқирлаб тоғу тошларни жаннат айлади. Севган юраклар сева-сева муҳаббат қўшиғини яратди.

Дорилфунунда Очил Тоғаев деган жонкуяр домламиз бўларди. Бир кўклам у негадир бизларга қаратиб "Қишлоққа борганда қирларда эмаклаб ўт енглар, кўкатли сомсага тўйиб келинглар. Мияларинг бутун бўлади", деганида биримиз ошкора, биримиз пинҳона кулган эдик. Ўшанда профессор домламизнинг бизни ўт ейишга ундагани ростдан-да кулгили эди. Мана, энди ўша гапларнинг асл мағзини чақиб турибмиз...

Акрам подачига қайтамиз. Подадаги бирорта сигир ёки ҳўкиз бехосдан жарга қуласа, тамом: подачи товон тўлашга мажбур. Подасини ўғри урса, яна унинг ўзи жавоб беради. Қарангки, шу одам тўққизинчи синфда ўқийдиган ўғлини далага ташлаб шаҳарга келибди. Мен аниқ биламан: уни бу ерларга кўнгил етаклади. У кўнгил учун тонгда йўлга чиққан. У кўнглини қўйнига солиб олган. Шу қўйнидаги бойчечак, деб аталмиш кўнгилга у қаттиқ ишонади. Бу алпқомат, бу қўпол ва бу сўзлари дағал одам барглари сўла бошлаган бойчечакларга бунчалик эътиқод қўймаса?

Кеча бир ҳамсоямиз оқ буғдой сўраб чиқди. Унинг айтишига қараганда, оқ буғдойдан бўлган сумалак хосиятли бўлармиш. Яхши ният қилган, яхшиликка ишонган мана шундай одамларни мен негадир жуда-жуда ўзимга яқин тутаман. Акрам подачи каби одамларни ўлгудек яхши кўраман. Қорларни доғда қолдириб қуёшга талпинган бойчечакларни иним, деб юборгим келади. Шу чечаклар, шу одамлар, назаримда, Наврўз бўлиб кўринади кўзимга.

Мен аниқ биламан: Акрам подачининг бошланғич синфларга сабоқ берувчи Абдусамат жўраси албатта тузалиб кетади. У қишлоққа қайтиб болакаю жамалак соч қизалоқларга "Ва-тан" "О-на", "Боғ" деган сўзларни ҳижжалаб ёздиради, ҳижжалаб уларнинг маъносини тушунтиради. Ана шу сўзлару уларнинг маъносини уқиб-ўрганган минг-минглаб болакайлар бир умр банди ўнинчи оқ ғалтакнинг ипидек бўлган оқиш-сарғиш бойчечакларни эъзозлаб яшашади. Улар ҳар қиш адоғида, ҳар кўклам бошида ана шу бойчечакларни соғиниб кутишади. Улар бора-бора бойчечак деганлари аслида Ватан эканлигини англаб оладилар.

Улғайганларида эса уларнинг қўйнида қорнинг, ернинг ҳиди уфуриб турган бойчечаклар бўлади.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### «Пахта банк»:
# ХИЗМАТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

*Кейинги пайтда ҳукуматимиз томонидан аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш, шу асосда банкларнинг ресурс базасини ошириш ва иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳамда молиялаш орқали товар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар молиявий муассасалар фаолиятида дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Табиийки, ўз вақтида кўрилаётган чора-тадбирлар кутилган натижани бераяпти. Республика «Пахта банк»и фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.*

Бу ерда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш, уларни кафолатлаш яхши йўлга қўйилгани туфайли депозитлар, хусусан, жисмоний шахслар депозитлари салмоғи тобора ортиб бораяпти. Маблағларни омонат ва жамғармаларга жалб қилишда мижозлар манфаатларига мос равишда фоизлар белгиланиши, айниқса, катта самара бераяпти. Рақамларга мурожаат қилайлик. Биргина ўтган йилнинг ўзида йиллик 25-50 фоизгача миқдорда маблағлар тўланадиган 17 турдаги муддатли омонатлар муомалага киритилди. "Ҳосил", "Қариялар қадр-қиммати", "Муқаддас замин", "Она замин саховати" сингари омонатлар шулар сирасига киради.

Маълумки, мижоз ўзининг бўш маблағини банкка қўйишдан аввал у ердаги шарт-шароит, тартиб-интизом билан қизиқади. Қолаверса, даромад фоизининг юқорилиги ва маблағи қайтишининг кафолатланишига алоҳида эътибор беради. Айни шу масалалар эса доимо мазкур молиявий муассасанинг диққат марказида турибди. Масалан, ўтган йилнинг охирида даромад миқдори ойига 5 фоиз бўлган ва олти ой муддатга мўлжалланган "Шарқ юлдузи" омонатининг жорий этилиши аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги "Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида жисмоний шахсларнинг муддатли ва жамғарма омонатлари фоизларини ошириш бўйича имтиёзлар белгиланиши ҳам юқори даромадли омонатларни жорий этиш имконини берди. Ушбу қарор талабларига кўра, одамларнинг молиявий муассасаларга бўлган ишончини янада ошириш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва чуқурлаштириш шароитида фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизимини яратиш мақсадида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш жамғармаси ташкил этилди. Айни кунларда "Пахта банк" мазкур жамғарма билан яқин ҳамкорликда ана шу йўналишда иш олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда энг қулай ва замонавий тўлов воситаси ҳисобланган пластик карточка тобора оммавийлашиб бораётгани ҳам ҳаммага аён. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги иш сифатини яна бир поғонага кўтариш им-

Ислоҳот ва самара

конини берди. Шуни таъкидлаш керакки, ўтган давр мобайнида "Пахта банк" томонидан 5 минг дона пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, саккизта манзилда банкоматлар ўрнатилди. Молиявий муассасанинг 2003 йилга мўлжалланган дастурига биноан, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, пойтахтимиздаги "Агрегат заводи" ҳиссадорлик жамияти, Тошкент аграр университетида ҳам банкоматлар орқали ходимларнинг иш ҳақини пластик карточкаларда тўлаш амалга оширилмоқда.

Янги тўлов воситасининг афзаллиги шундаки, пластик карточкалардаги маблағга ҳам омонат сифатида фоиз ҳисобида пул тўланади.Хусусан, карточка эгаси олаётган фойда йиллик 42 фоизни, агар капитализация ( йил охиригача маблағ ишлатилмаса) билан биргаликда ҳисобласак, 51,1 фоизни ташкил қилади.

Молиявий муассасанинг ресурс базасини кўпайтириш мақсадида, шунингдек, 2002 йилнинг 27 августидан бошлаб 5 миллиард сўм миқдорида юридик шахслар учун депозит сертификатлари муомалага чиқарилди. 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра, яна 414 миллион сўмлик шундай сертификатлар жойлаштирилди. Муомалага чиқарилган 3-6 ойлик депозит сертификатлари бўйича йиллик 22-26 фоиз миқдорида даромад ҳисобланади. Бундан ташқари, жисмоний шахслар учун 300 миллион сўмлик омонат (депозит) сертификатлари ҳам муомалага чиқарилган бўлиб, 2002 йилда улар тўлиқ жойлаштирилди. Мазкур 3-6 ойлик омонат сертификатлари бўйича эса йиллик 40-42 фоиз даромад ҳисобланади.

"Пахта банк"нинг шўъба корхонаси — "PAXTA-INVEST" бошқарувчи компанияси эса акциядорлик жамиятлари корпоратив қимматли қоғозларининг инвестициялар портфелини ишончли бошқариш бўйича хизмат кўрсатаётир. Ўтган йил давомида мазкур компания томонидан республика "Тошкент" фонд биржасида 114 миллион сўм миқдоридаги акцияларнинг олди-сотди операциялари амалга оширилди.

Бундан ташқари, "ТС-Технология" қўшма корхонасининг муомалага чиқарилган облигациялари бўйича олди-сотди операцияларини бажаришда ҳам ушбу компания хизмат кўрсатмоқда. Банкнинг яна бир шўъба корхонаси — "PAXTA-SERVIS" депозитарийси эса бир қатор эмитентларга, шу жумладан, Ўзбекистон-Туркия банки, "Ҳазорасп пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти, "Самарқандпахтасаноат" бирлашмаси ва бошқа акциядорлик жамиятларининг акциядорлари учун депозитар хизматини кўрсатмоқда.

Аҳоли билан яқиндан ҳамкорлик қилинаётганлиги, уларга турли қулайликлар яратилаётганлиги, ходимларнинг малакасини ошириш бўйича мунтазам иш олиб борилаётганлиги ҳам банкка жисмоний ва юридик шахсларни жалб этишда муҳим омил бўлаётир. Амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, хусусан, аҳолининг барча қатламларини хизмат турлари билан қамраб олиш мақсадида жойларда жамғарма касса ва мини банкларни ташкил этиш бўйича ҳам изчил иш олиб борилаяпти. Ҳозир республикамизнинг турли ҳудудларида 160 та шундай мўъжаз молия муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Айни чоғда банкда хизмат турларини такомиллаштириш, мижозларга жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада хизмат кўрсатиш борасида ҳам изланишлар олиб борилаяпти. Бундай саъй-ҳаракатлар ўз навбатида банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга ва молия бозорида унинг хизмат турларини янада кўпайтиришга замин яратаяпти. Шу билан бирга, молиявий муассасанинг халқаро алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Президентимизнинг 2000 йил 21 мартдаги "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Германиянинг "DYNA TRADE GmbH" компаниясидан депозит ячейкаларини (катакчаларини) ижарага бериш бўйича алоҳида депозитар сейфларни ўрнатиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда "Пахта банк"да мижозларни жалб қилиш бўйича муайян тажриба тўпланган. Бу одамларнинг фаровонлигини оширишга ёрдам бериши билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Шифохона бағридаги мактаб

**«Оналар ва оталар мактаби»ни ташкил этишдан муддао нима?» деган саволимизга Андижон шаҳридаги 1-болалар шифохонаси бош ҳакими М. Содиқова поликлиника тасарруфидаги маҳаллаларда, мактабларда тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйиш, жонли мулоқотлар ўтказишга эътибор қаратиш, дея жавоб қайтарди. Тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш йўлида жонбозлик кўрсатаётган шифокорлар Бўстон даҳаси, Янги маориф кўчаси, қатор мактабларда бўлдилар. «Репродуктив саломатлик, бу — соғлом оила, соғлом авлод демакдир» мавзуида суҳбатлар ўтказдилар.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

TURON BANK

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ТУРОН» БАНКИ

**акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 15 март куни соат 10.00да Тошкент ш., Навоий к., 4-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги биносининг мажлислар залида бўлишини маълум қилади.**

*Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 15 февраль ҳолати бўйича тузилади.*

КУН ТАРТИБИ:

1. «Турон» банкининг 2002 йилги банк фаолияти якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида республика банк тизими олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда банкнинг 2003 йилдаги ривожланиши асосий йўналишлари тўғрисида.
2. «Турон» банкининг 2002 йилги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш.
3. 2002 йил якуни бўйича фойдани тақсимлаш тартиби тўғрисида.
4. 2002 йил якунлари бўйича Турон банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
5. Банкнинг янги таҳрирдаги уставини қабул қилиш тўғрисида.
6. «Турон» банкининг 2003 йилги ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
7. Бошқа масалалар.

*Банк акциядорлари ва улар номидан сайланган вакиллар 2003 йил 15 март соат 9.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинадилар.*
*Йиғилишни тайёрлаш бўйича ахборот ва унда кўриладиган ҳужжатлар билан «Турон» банкида танишиш мумкин.*

**Манзил: 700011, Тошкент ш., Абай к., 4-«А» уй.**
**Боғланиш телефони: 144-33-94.**

*Банк кенгаши.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ

*суд қарорлари асосида давлат эгалигига ўтказилган қуйидаги автотранспорт воситаларининг «кимошди» савдосини ўтказади.*

| Т/р | Автотранспорт воситалари | Бошланғич баҳоси (минг сўм ҳисобида) |
|---|---|---|
| 1. | «Москвич-412» русумли, давлат белгиси 19 Д 01-57 бўлган автомашина | 700.0 минг сўм |
| 2. | «Камаз-53512» русумли, давлат белгиси 18 Г 52-92 бўлган автомашина | 5500.0 минг сўм |
| 3. | «ЗИЛ-131» русумли, давлат белгиси В 32-89 КФ бўлган автомашина | 1500.0 минг сўм |
| 4. | «ВАЗ-2121» русумли, давлат белгиси 18 G 48-87 бўлган автомашина | 2000.0 минг сўм |
| 5. | «Нексия» русумли, давлат белгиси 30 В 86-74 бўлган автомашина | 4500.0 минг сўм |
| 6. | «Нексия» русумли, давлат белгиси 10 F 07-10 бўлган автомашина | 5000.0 минг сўм |
| 7. | «Нексия» русумли, давлат белгиси 10 R 78-87 бўлган автомашина | 5000.0 минг сўм |
| 8. | «ГАЗ-5312» русумли, давлат белгиси 12-55 КФМ бўлган автомашина | 2000.0 минг сўм |
| 9. | «ГАЗ-53А» русумли, давлат белгиси 47-65 КФН бўлган автомашина | 2000.0 минг сўм |
| 10. | «Камаз-4310» русумли, давлат белгиси 18 С 99-68 бўлган автомашина | 6000.0 минг сўм |
| 11. | «ГАЗ-53 АЦ» русумли, давлат белгиси 45-88 КФН бўлган автомашина | 2000.0 минг сўм |
| 12. | «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, давлат белгиси 49-40 КФЛ бўлган автомашина | 6000.0 минг сўм |
| 13. | «Нексия» русумли, давлат белгиси 18 I 13-70 бўлган автомашина | 5280.0 минг сўм |

*«Кимошди» савдоси 2003 йил 20 февраль куни соат 10.00да Судлар департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими биносининг мажлислар залида ўтказилади.*
*«Кимошди» савдосида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар автотранспорт воситасининг бошланғич қийматининг 10 фоиз миқдорида гаров пулини тўлаган ҳолда ариза билан мурожаат этишлари мумкин.*
*Барча тўловлар нақд пул ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*

**Манзил: Қарши шаҳри, «Бешкент йўли», 3-км, собиқ «Қаршииндустрия» бирлашмаси маъмурий биноси. Мурожаат учун телефонлар: 228-0027, 228-0026, факслар: 228-0025, 228-0028.**

